

МУМТОЗ МАТНЛАРДА ИНТЕРТЕКСТУАЛЛИК (НАВОИЙ ИЖОДИ МИСОЛИДА)

Махфузахон Фарходжон кизи ХОМИДОВА
Филология фанлари бўйича (PhD) фалсафа доктори
катта ўқитувчи
Ўзбекистон Миллий университети
Тошкент, Ўзбекистон
mahfuzaxon.xomidova@mail.ru

Аннотация

Интертекстуаллик барча матнлар учун хос ходиса бўлиб, ҳам мумтоз, ҳам замонавий асарларда кенг учрайди. Мазкур мақолада Алишер Навоийи жодида учрайдиган интертекстуалликнинг манбалари атрофлича таҳлил қилинган. Назарий фикрлар мисоллар ёрдамида асослантирилган.

Таянч сўзлар: интертекстуаллик, аллюзия, иқтибос, ғазал, қитъа, мумтозадабиёт.

ИНТЕРТЕКСТУАЛЬНОСТЬ В КЛАССИЧЕСКИХ ТЕКСТАХ (НА ПРИМЕРЕ ТВОРЧЕСТВА НАВОИ)

Махфузахон Фарходжон кизи ХОМИДОВА
доктор философии (PhD) по филологическим наукам
старший преподаватель
Национальный Университет Узбекистана
Ташкент, Узбекистан
mahfuzaxon.xomidova@mail.ru

Аннотация

Интертекстуальность — явление, общее для всех текстов и характерное как для классических, так и для современных произведений. В данной статье тщательно анализируются источники интертекстуальности, обнаруженные в творчестве Алишера Навои. Теоретические идеи подкреплены примерами.

Ключевые слова: интертекстуальность, аллюзия, цитата, газель, стихотворение, классическая литература.

Интертекстуаллик бу – матн маъносининг бошқа матн орқали шаклланишидир. Интертекстуаллик назарияси билан шуғулланган тадқиқотчи Н.Пъеге-Гронинг фикрича, ҳамма нарса аллақачон айтиб бўлинган, биз шунчаки кеч туғилдик. Чунки одамлар етти минг йилдан кўпроқ вақт давомида ер юзида яшаб, ўйлашади [3;7]. Бадиий матнда интертекст сифатида муқаддас китоб ва ҳадислар, фольклор намуналари, бошқа бир ёзувчининг асарларидан парчалар кенг қўлланади. Интертекстлар ўз навбатида миллий-ментал хусусиятларга эга бўлади. Чунки бадиий матн муаллифи кўпроқ интертекст сифатида халқ ичида машҳур бўлган асардан

парча ёхуд халқнинг миллий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда миллий адабиётдан, халқ оғзаки ижодидан фойдаланади. Шу сабабдан ҳам матн ичидаги интертекстни ўқувчи дарров тушуниб олади ва матнда нима ҳақида гап кетаётганини қиёсан идрок эта бошлайди. Ўзбек бадиий адабиёти учун интертекстуаллик ҳодисаси янгилик эмас. Мумтоз адабиётимиздаги “*ирсоли масал*”, “*талмеҳ*”, “*тазмин*”, “*назира*” каби бадиий санъат турлари айна интертекстуалликнинг ўзидир. Уларнинг бадиий матндаги вазифаси ва шакли интертекстуаллик тушунчасига, унинг моҳиятига деярли мос келади.

Интертекстуал бирликларнинг наср ва назмда учраши уларнинг шакли, яъни ғояни ихчам ёки кенгроқ ифодалашига кўра фарқланади [4;5]. Насрий матнларда ўзга матн парчаларидан катта ҳаволалар, байтлар, фольклор намуналари кенг қўлланса, шеърий матнларда бу имконият бироз кам. Шу боис унда асосан интертекстуалликнинг аллюзия, иқтибос каби турлари кўп учрайди. Алишер Навоий ғазалларида ҳам шу ҳолатни кузатиш мумкин.

Навоий ижоди – улкан хазина. Бу хазина ичидан турли фанлар, маданиятлар, халқлар тарихига оид қимматли маълумотлар ва инсон маънавий дунёсини бойитувчи ғоя-ю фикрларни ҳам олишимиз мумкин. Бугун адабиётшунослик илмида интертекстуаллик деб номланган ҳодисанинг илдизлари мумтоз адабиётимизда ҳам мавжуддир. Хусусан, Алишер Навоий ижодида ҳам ўзга матн парчалари интертекстуаллик сифатида фаол қўлланган. Қуйида интертекстуалликнинг Навоий ижодидаги ўзига хос хусусиятлари ва унинг манбалари ҳақида атрофлича фикр юритамиз.

Унинг “*Бадойиъ ул-бидоя*” девонига киритилган ғазаллар ва қитъаларида, асосан, қуйидагилар интертекстуалликни ҳосил қилишда фаол қўлланган:

1. *Қуръони Каримга ишора қилувчи интертекстлар ва пайғамбарлар, фаришталар номи:* Маълумки, Шарқ адабиётида Қуръони Карим оятлари ва унда номи зикр қилинган фаришталар, пайғамбарлар номларини келтириш жуда кенг учрайди. Навоий ижоди ҳам бундан мустасно эмас. Ғазалларда асосан *Жаброил*, *Юсуф*, *Яъқуб*, *Хизр*, *Нух*,

Муҳаммад Расуллулоҳ, Исо, Сулаймон, Қорун каби фаришта ва пайғамбарлар номи интертекст сифатида келган. Навоий бу номлардан шунчаки қофия ёки вазн талаби билан эмас, балки уларнинг ортида турган бошқа матнларга ишора қилиш, шу асосда ғазалнинг ғоясини янада аниқроқ кўрсатиш, бадиий-эстетик таъсирини кучайтириш мақсадида фойдаланган.

Муҳаммад (с.а.в)нинг номлари ҳам ғазалларда жуда кўп ва ўринли қўлланган. Қуйидаги байтга диққатимизни қаратамиз:

*Улусни тутти Навоий сўзи, анинг бирла
Магар **Расули алайҳиссалом** қилди ҳадис.*

Бизга маълумки, Пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в) бадиий матнларда, асосан, *Расуллулоҳ, Расул* каби сифатлари билан келади. Навоий ижодида ҳам шу анъанани кўришимиз мумкин.

Ғазалларда энг кўп учрайдиган пайғамбарлар номларидан бири бу Нухдир. Нух пайғамбар номи билан боғлиқ афсона ва ривоятлар ҳам халқ ичида жуда машҳур. Унинг исми ғазалда учраши билан ўқувчи қайси афсонага ёки унинг қандай хусусиятига ишора мавжудлигини англаб олади.

Нух умрию Сулаймон мулкига ёъқтур бақо,
Ич, Навоий, бодаким, олам гами беҳудадир.

Байтда Нух пайғамбарнинг узоқ умр кўрганлигига ишора мавжуд. Навоий ўз ҳолатини шу муддатга қиёслаб, ўзига хос бадиий санъатни ҳосил қилган.

Мумтоз адабиётимизда Юсуф алайҳиссалом қиссаси жуда машҳур. Ҳатто “Юсуф ва Зулайҳо” достони ҳам мавжуд. Турли ижодкорларнинг ғазалларида, достон ва рубоийларида ҳам *Юсуф, Яъқуб* номлари жуда фаол қўлланилади.

*Гулруҳим ёди била кўнглум ерур гулаг ҳарис,
ким берур **Юсуф** иси қон аро юз бора қамис.
Ё фалак берди йиғи, кўр айласин **Яъқубнинг**
Кўзлари очилмоқ учун моҳи Канъон муждасин.*

Юқоридаги байтларда ҳам Юсуф алайҳиссалом ҳаёти билан боғлиқ машур матнларга ишора сифатида *Яъқуб, Юсуф, Канъон* аллюзив номларидан фойдаланилган. Бу эса ғазални бадий жихатдан мукамал ва пишиқ, ўқувчи учун таъсирчан ҳамда тушунарли бўлишига хизмат қилган.

Қорун – туганмас бойликка эга афсонавий шахс бўлиб, ўзининг хасислиги билан ҳам машҳурдир. Бадий адабиётда ҳам давлатмандлик ва хасислик рамзи сифатида жуда кўп учрайди. Шунингдек, шоир-у ёзувчилар бу афсонадан интертекст сифатида ўз асарларида жуда унумли фойдаланишган.

*Қорун ганжи ерда кўмилганди хор,
Очди ул хазина оғзини баҳор [7].*

Қорун мулкин олса бир ер ётиши,

*“Пулим оз” дер, ҳар кун чекар нолиши,
Нуҳ умрига эга бўлса бир киши,
Ёқмас қулогига “ўл!” саси келса [8].*

Қорун ҳақидаги афсонанинг асли эса бевосита динимизнинг муқаддас китоби Қуръони Каримдадир. Қуръони Каримнинг “Қасас” (Қисса) сурасининг 76-81-оятларида Қорун қиссаси зикр қилиниб, ундан келгуси авлодларнинг ибрат олишлари буюрилган.

76. Албатта, Қорун Мусо қавмидан эди. Бас, у (қавм)ларга кибр қилди. Биз унга хазиналардан калитлари бақувват жамоатга ҳам оғирлик қиладиган нарсаларни ато этган эдик. Ўшанда қавмдошлари унга: “Ҳовлиқмагин. Чунки Аллоҳ ҳовлиқувчиларни суймас!

77. Аллоҳ сенга ато этган нарса билан охиратни истагин ва дунёдан бўлган насибангни ҳам унутмагин. Аллоҳ сенга эҳсон қилгани каби сен ҳам (одамларга) эҳсон қил! Ерда бузғунчилик қилишни истама. Чунки Аллоҳ бузғунчиларни суймас”, – дедилар.

79. Сўнг, (Қорун) қавми олдига ясаниб чиққан эди, дунё ҳаётини истайдиган кимсалар: “Эҳ, қани эди, бизларга ҳам Қорунга ато этилган нарса (бойлик) бўлса. Дарҳақиқат, у улкан насиба эгасидир”, – дедилар.

80. Илм ато этилган кишилар эса: “Ўлим бўлсин сизларга! Имон келтирган ва эзгу иш қилган киши учун Аллоҳнинг савоби яхшироқ-ку! У (савоб)га фақат сабрли кишиларгина эришулар”, – дедилар.

81. Бас, Биз уни ҳам, ҳовлисини ҳам ерга юттирдик. Сўнг унинг учун Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган бирор жамоа бўлмади ва унинг ўзи ҳам золиблардан бўлмади [6;264].

Қорун Мусо алайҳиссалом қавмидан бўлган ниҳоятда бой-бадавлат бир кимса эди. Аллоҳ таоло уни имтиҳон қилиш учун жуда катта бойлик ва мол-мулк ато этган эди. Унинг мол-мулки шу даражада кўп эдики, хазиналарининг калитларини кўтариб юриш бир гуруҳ кучли одамларга ҳам оғирлик қилар эди. Давлатини ҳаммага кўз-кўз қилиб, қимматбаҳо кийимлар кияр, бошқаларнинг ҳасади ва адоватини қўзғашга интилар эди. Аммо у бунга ношукрлик қилиб, бу бойликларни берган Аллоҳга исён қилди. “Буларни ўз уқувим ва иқтидорим орқали қўлга киритганман”, деган даъвода кибр ва туғёнга кетди. Ўша вақтда шунчалик молга эгалик уни ҳовлиқтириб юборади. Шу сабабли ўз қавмига такаббурлик қилади, уларга зўравонликда бўлади. Оқибатда унинг ўзини, тўплаган барча бойликларини ер ютди [6]. Қуръондаги шу қисса асосида Қоруннинг бойлиги, хасислиги ва бунинг оқибатида уни ер ютганлиги ҳақидаги афсона халқ ичида ҳам жуда машҳур бўлди. Бу эса бевосита бадий адабиётга кўчди. Ижодкорлар *Қорун ганжи*, *Қорун*, *Қоруннинг ер ютиши* каби бирикмаларни асарларида турли мақсадларда қўллаб, бу орқали ўз ғояларини, бадий ниятларини халққа машҳур афсонага боғлиқ ҳолда беришга интилганлар.

Алишер Навоий ижодида ҳам бу образ жуда кўп учрайди. Алишер Навоий ўзининг асарларида инсониятни олам гултожи дея баҳолаш билан бирга, инсоннинг кадр-қимматини улуғлайди, кўкларга кўтаради, ор-номус, орият ҳамда ғурур тушунчаларини гўзал услубларда талқин этади. “Таваккул

сифати ва бетаваккуллар мазаммати” номли қитъасида ҳам ушбу фикрнинг бадиий ифодасини кўришимиз мумкин:

*Таваккулни улким қўюб, хотирига,
Тушар шоҳ оллинда қуллуқ ҳавоси.
Насиби анинг бир аёқ ош эрур бас,
Агар ганжи **Қорун** эрур муддаоси.
Биравким, бўлур бир аёқ ош учун қул,
Юзига керактур қазоннинг қароси [2;528].*

Бу қитъада Навоий ўз мақсадини баён қилишда *ганжи Қорун* аллюзияси орқали бевосита унинг улкан бойлик эгаси эканлигига ишора қилади.

2. *Машҳур достон ва афсоналарга ишора қилувчи номлар.* Навоий ҳам халқ оғзаки ижодига, ўзидан аввал яратилган асарларнинг қаҳрамонлари номларига ҳам ўз ижодида мурожаат қилган, яъни улардан рубоий, қитъа, ғазал ва достонларида фойдаланган.

*Кўп ўқудум **Вомиқ-у Фарҳод-у Мажнун** қиссасин,
Ўз ишимдан булажаброқ достоне топмадим.*

Олинган бу байтда Шарқда машҳур ишқий афсоналар воқеаларига ишора қилинган *Вомиқ, Фарҳод, Мажнун* каби ошиқларнинг номларини интертекстуал бирлик сифатида олишимиз мумкин. Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар учала ишқ достонининг дардлилик даражасига кўра Навоий деярли барча ўринларда Вомиқ-Фарҳод-Мажнун кетма-кетлигини сақлаб қолади. Бу орқали эса ғазалнинг китобхон учун таъсирчанлигини яна ҳам ошади.

*Қолди аввал тоғ аро **Фаҳод-у Мажнун** дашт аро,
Ишқ йўлинда манга икки ажаб йўлдош эрур.*

Ғам юки қилмайдир ёлғуз мени маҳзунни кўж.

*Ҳам бу юк қилмиш эди **Фарҳод** ила **Мажнунни** кўж.*

3. *Бадиий асар номлари.* Навоий ғазалларидаги интертекстуаллик ҳодисасини таҳлил қилиш жараёнида биз унинг ўзидан олдин яратилган

бошқа муаллифларнинг машхур асарлари номидан ҳам фойдаланган ижод намуналари борлигига дуч келдик. Хусусан, куйидаги байтда учраган “*Мифтоҳ ул-адл*” ва “*Талхис*” асарлари номини интертекст сифатида баҳолашимиз мумкин.

*Банд этибдур жадал аҳли ишин ишкол, андоқ,
Ким не “Мифтоҳ” анга суд қилур, не “Талхис”.*

4. *Машхур куй номлари.* Интертекстуаллик назариясига оид илмий адабиётларда маълум бир халқ учун яхши таниш куй, кўшиқ, кинофильмларнинг номлари ёки улардан олинган парчалар ҳам интертекстуал birlik сифатида баҳоланади [5;48]. Навоий ижодида ҳам халқимиз учун таниш машхур куй номлари интертекст сифатида учрайди. Куйидаги байтда “*Ироқ*”, “*Ҳижоз*”, “*Хуросон*” каби атоқли отлар айнан машхур куйнинг номлари эканлигини *эй муганний* ундалмаси орқали билиб олиш мумкин.

*Эй муганний, тут “Ироқ” оҳанги-ю кўргуз “Ҳижоз”,
Ким Навоий хотири бўлмиш “Хуросон”дин малул.*

Умуман олганда, Интертекст барча матн турлари учун умумий бўлиб, асосан бадий матнда, унинг идрок қилинишида аҳамияти каттадир. Бадий матнларда интертекст учун муқаддас китоблар, ҳадис ва ҳикматлар, бадий асарлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, тарихий-маиший воқеалар, машхур куй ва фильмлар асосий манба бўлиб хизмат қилади. Ўзга матнларга оид парчалар эса бадий матнда сарлавҳа, эпиграф, иқтибос, аллюзия, реминисценция, пародия каби шаклларда учрайди. Уларнинг ҳар бири бадий матнда муайян вазифани бажаради.

Ўзбек бадий матнлари учун асосан Қуръони Карим, ҳадиси шарифлар, фольклор намуналари, Алишер Навоий, Абдулла Қодирий, Ғафур Гулом, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби машхур ижодкорлар, шунингдек, дунё адабиётининг мумтоз намуналари, машхур куй ва кўшиқлар, тарихий-ижтимоий воқеликлар интертекстуаллик ҳодисасини ҳосил қилишда муҳим манба бўлиб хизмат қилади. Алишер Навоий

асарларида ҳам бундай интертекстуал манбалар жуда ҳам хилма-хил бўлиб, биз фақат биргина девон асосида таҳлилга тортдик. Натижада, уларда асосан диний характерга эга образларнинг интертекст сифатида қўлланилиши кўп учрашини кузатдик. Бу бир томондан муаллиф дунёқараши билан боғлиқ бўлса, иккинчи томондан уларнинг халқ орасида машҳурлиги билан изоҳланади. Бугунги кунда Навоий асарларининг тилини тушуниш учун, улардаги асл мазмунни англаш учун айнан интертекстуал бирликларнинг, аниқроғи, унинг бир тури бўлган аллюзив бирликларни тўғри идрок қилишнинг аҳамияти каттадир. Шу боис ҳам Навоий асарларидаги интертекстуал бирликларни аниқлаш ва таҳлил қилиш тилшунослик олдидаги муҳим вазифалардан биридир. Чунки Навоий асарларидаги интертекстуал бирликларни тўғри тушуниш Навоий ижодини англашга кенг йўл очади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Навоий, Алишер. Танланган асарлар. II жилд. Бадойиъ ул-бидоя. – Тошкент: Фан, 1987. – 689 б.
2. Навоий, Алишер. Мукамал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том. – Тошкент: Фан, 1988. – 528 б.
3. Пьеге-Гро Натали. Введение в теорию интертекстуальности. – Москва: Наука, 2008. – 232 с.
4. Фатеева Н.А. Типология интертекстуальных элементов и межтекстовых связей в художественном тексте. – //Известия РАН. Сер. литературы и языка, 1998. – № 5.
5. Фатеева Н.А. Интертекстуальность и её функции в художественном дискурсе Текст. / Н.А.Фатеева // Известия АН. Сер. литературы и языка, Т.56. – 1997. – № 5. – С. 12-21.
6. Қуръони Карим маънолари таржимаси. “Қасас” сураси. //Таржимон: Абдулазиз Мансур. – Тошкент, 2007. – 264 б.

7. <https://zamin.uz/uz/hayot-tarzi/32401-boylik-toplash-va-undan-foydalanish-haqida.html>
8. <http://n.ziyouz.com/portal-haqida/xarita/jahon-she-riyati/fors-tojik-she-riyati/zayniddin-vosifiy-1486-1566>
9. http://www.ziyouz.com/index.php?option=com_content&task=view&id=45